

ШАРТНОМА №02/01

Андижон шаҳри

03.02. 2022 йил

Андижон шаҳар «Мехри Дарё медсервис» маъсулияти чекланган жамияти директори М.Т. Алимкулов кейинчалик матнда «Таъминотчи» деб юритилади, Низом асосида ҳаракат қилувчи бир томондан А. Д. Ғ. У. И. Ишқимомил боши бразил

Б. Ҳ. Раҳимов
кейинчалик матнда «Харидор» деб юритилади, иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1 Шартнома моҳияти

1.1. «Таъминотчи» ушбу шартномада курсатилган муддатларда махсулотни **момик оқартирилган гигроскопик стерилланмаган (вата отбеленная гигроскопическая нестерильная)** ларни етказиб бериш ва «Харидор» етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

илова (сўмда)

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Вата (момик)оқартирилган гигроскопик стерилланмаган 25 г	дона	2000	850	1700000
2	Бинт марлевые 7x14 н/с	дона	2000	2600	5200000
	Жами :				6900000

Таъминотчи» «Харидор»нинг талабномаси билан, тиббий ашёларни илова асосида сотади. Шартномага асосан олинанидан товарнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми булган ушбу иловада курсатилади. «Харидор» эса олган махсулотлари учун туловни «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига қелишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

1.2.Шартноманинг.суммаси. 6900000 (Олти миллион ётақиз қоз миң) сум белгиланди (суммага транспорт харажатлари кирмайди).

2. Махсулотнинг сифати

2.1. «Таъминотчи» «Харидор»га техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлган тиббий махсулотларни сотади

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Ҳисоб –китоб «Харидор»га томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик булимидан руйхатдан утказилгандан сунг 5 банк иш кунда «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) яъни 2070000 (Эки миллион беш миң миң) олдиндан (аванс) тарикасида

«Таъминотчи» нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

3.3. Колган охириги 70%

(фоизи) 4830000 (Тўрт миллион санин қоз миң) сумни «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида 30 банк иш кунда утказиб беради.

3.4 «Харидор» томонидан 30 % (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи»

3 банк иш кун давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3.5. Махсулотларни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» ҳисобидан копланеди.

4. Жўнатиш ва қабул қилиш шартлари

4.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш «Таъминотчи» томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси булиб, товарнинг «Таъминотчи» омборидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул қилишда «Харидор» томонидан уни микдори, сифати ва руйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1.. Томонлар бошка томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгарлик эмасдирлар.

5.2. «Таъминотчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (махсулот)ни қабул қилишда асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар коплашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

-агар «Товар (махсулот)ни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйган булса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур .

5.3 «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

-камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тугриланиш харажатларини копланишини талаб қилишга:

--мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни копланишини «Таъминотчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6.. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуни талаблари доирасида мулкый жавобгардирлар.

6.2. “Таъминотчи” жавобгарлиги:

6.2.1. “Таъминотчи”нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса, “Таъминотчи” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; етишмаётган қисмлар қийматини кўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.3. “Харидор”нинг жавобгарлиги:

6.3.1. “Харидор”нинг айби билан етказиб берилган товарлар ҳақини уз вақтида туламаса, “Харидор” томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоиз микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ булмаган микдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан “Таъминотчи” томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда “Таъминотчи” сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боглик барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. “Таъминотчи” нинг ҳисоб – варақасида махсулот солинган кутилар (тара) ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, кутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боглик бўлмаган куйидаги форс - мажор ҳолатларида қисман ёки тўлик озод этилади: ёнгин, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ёзма равишда оғохлантириш хати берадилар. Оғохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Иктисодий судида кўриб чиқилади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боглик булмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг, кучга кириб 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг тегишли газначилик булимидан руйхатга олингандан кейин асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.2. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилгоҳи ва банкдаги ҳисоб рақамлари:

“ТАЪМИНОТЧИ”

«Мехри дарё медсервис» МЧЖ

Андижон ш., 3-тор Шаҳидтепа куча 7-уй

х/р 20208000200485957001

Узсаноатқурилишбанк Андижон

вил. 6-ми МФО 00075, инн303321832

ОКЭД 91514

Рахбар А.Иммулов М.Т.



(имзо, муҳр ўрни)



(имзо, муҳр ўрни)

Хулоса.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонун талабларига мувофиқ равишда тузилган, имзоланиши мумкин.

Юри ё: